

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БЎЙРУҒИ

**254 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳно-
номаларини бериш ва авиация ходимларининг тур-
лари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига
(ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-5*

(2010 йил 5 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАО стандартлар ва тавсияларини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳно-номаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 июнь,
69-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.